

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ
ИНСТИТУТИ

«ҚИСОБЛАШ МАТЕМАТИКАСИ ВА МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШТИРИШ» кафедраси

"ИНФОРМАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР"

фанидан лаборатория иши топшириқларини
бажариш учун услубий кўрсатма

ТОШКЕНТ – 2000

Ушбу услубий кўрсатма институт илмий – услубий кенгаширининг 1999 йил 25 ноябр 2 – сонли мажлисида кўриб чиқилди ва чоп этишга тавсия этилди.

Мазкур услубий кўрсатма ТИҚХМИИ СХИТЭ факультетида «Бухгалтерия ва аудит» В – 34.09.00 мутахассислиги бўйича таълим олётган талабалар учун «Информацион технологиялар» фанидан лаборатория иши тоғпириқларини бажариш учун мўлжалланган.

Тузувчилар:

Ю.Х. Эшқобилов, физ.-мат.ф.н.
З.С. Абдуллаев, физ.-мат.ф.н.

Тақризчилар:

М. Мусамухамедов, ТошДАУ
«Физика ва олий математика»
кафедраси доценти, физ.-
мат.ф.н.

А. Назиров, и.ф.н., доцент.

© Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаштириш инженерлари институти, 2000 йил.

§ 1 Қараш

Ҳозирги пайтда компьютер техникаси ва у билан боғлиқ бўлган фанлар жадал ривожланиб бормоқда ва ишлаб чиқаришнинг, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Бу фанлардан бири - "Информацион технологиялар" иқтисодиётчиларнинг фаолиятига тобора чуқурсоқ кириб бормоқда. Турли соҳа иқтисодчиларининг оладиган билимлари информацион технологияларни қўллаш билан тобора боғланиб бормоқда.

"Информацион технологиялар" курсида маълумотларни қайта ишлаш қуйидаги амалий дастурлар: матн процессори, жадвал процессори, МББСлар орқали амалга оширилади. Қўлланма топшириқларида ушбу мавзуларнинг барчаси акс эттирилган. Топшириқларни тўғри бажариш учун адабиётлар рўйхатида тавсия эттирилган этилган ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб, юқорида санаб ўтилган мавзуларни ўзлаштириш зарур. Топшириқлар қуйидаги мавзуларга бағишланган:

- 1) "Лексикон" матн муҳаррири;
- 2) ЭЖ (Электрон жадвал) билан танишув;
- 3) ЭЖни тўзиш, таҳрирлаш, ўчириш;
- 4) Маълумотларни қайта ишлашнинг умумий режими;
- 5) ЭЖни ҳисоблаш, архивлаш;
- 6) Диаграмма тўзиш ва уни қайта ишлаш;
- 7) МБни (Маълумотлар базасини) тузиш ва таҳрирлаш;
- 8) МБ билан ишлаш;
- 9) Маълумотларни саралаш ва излаш.